

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

**“Термиз шаҳри шароитида интродукция қилинган реликт
дараҳтларнинг биоэкологик хусусиятлари”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: Биология таълим
йўналиши 4-курс талабаси
Раҳманқулова Сохиба
Мустафақуловна

Илмий раҳбар:
б.ф.н., доц.в.б. Бегматов А.М.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
сонли баённомаси “___” 2018 йил

Термиз-2018

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| КИРИШ | 3 |
| 1-БОБ. РЕЛИКТ ДАРАХТЛАРНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ | 6 |
| 1.1. Сурхондарёнинг реликт ўсимликлари..... | 7 |
| 1.1.1. Шарқ чинорининг (<i>Platanus orientalis</i> L.) камёблик даражаси..... | 12 |
| 1.1.2. Сафсан хурмо (<i>Diospyros lotus</i> L.) ареали..... | 13 |
| 1.1.3. Ёввойи чилонжийда (<i>Ziziphus jujuba</i> Mill.) ареали..... | 16 |
| 1.2. Шарқ тусининг (<i>Thuja orientalis</i>) ўсиши ва ривожланиши..... | 20 |
| 1.3. Гинкгонинг (<i>Ginkgo biloba</i> L.) биологияси..... | 33 |
| 1.4. Сохтакаштан (<i>Aesculus hippocastanum</i> L.) гуллаш биологияси..... | 35 |
| 1.5. Магнолиянинг (<i>Magnolia grandiflora</i> L.) биологияси..... | 40 |
| 2-БОБ. РЕЛИКТ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ | 44 |
| ХУЛОСАЛАР | 63 |
| АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР | 63 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 64 |

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. Атроф мухитни химоя қилиш, ўсимлик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларни кўкаламзорлаштириш ҳамиша башарият олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлган ва шундай бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда йил сайин бунёдкорлик ишлари кўлами ошмоқда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгармоқда, кенг миқёсда реконструкция ишлари ўтказилмоқда. Ландшафтли қурилишда кўлланиладиган яшил ўсимликлар ассортиментининг асосий қисми буталарга ажратилмоқда, чунки буталар кичик ўлчамли, манзарали кўринишга эга бўлиб, давомий гуллаши билан ажралиб туради. Буталарни парваришилаш ҳам осон. Манзарали буталар орасида доимяшил ва узоқ давомий гуллайдиган турларга кўпроқ эътибор ажратилмоқда.

Мамлакатимиз шаҳарларининг ва аҳоли пункларини кўкаламзорлаштириш бугунги кундаги ҳолатини яхшилаш ҳамда уни муҳофза қилишдаги долзарб муаммолардир. Чунки кўкаламзорлаштириш атроф-муҳитнинг санитария гигиена ҳолатини яхшилашда, шамол кучини пасайтиришда, шовқинни камайтиришда, ҳавони тозалашда ва уни мўтадиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда кўкаламзорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган истиқболли ўсимликларнинг морфологик, биологик ва ўзига хос бўлган экологик хусусиятларни ўрганиш ушбу ўсимликни Термиз шаҳри иқлим шароитидаги аҳоли пунктларида кўпайтиришга ва улардан кенг фойдаланишга имкон беради.

Шундай ўсимликлар қаторига кирувчи релик дарахтлар ҳам келгусида мамлакатимиз халқ хўжалигига, жумладан, кўкаламзорлаштиришда ва аҳоли соғлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши аниқ. Термиз шаҳри иқлим шароитида реликт дарахтларни ўстириш имконияти муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Реликт дараҳтларнинг Термиз шаҳри иқлим шароитида биоэкологияси, фенологияси, антэкологияси етарлича тадқиқ этилмаган.

Битирув маакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. БМИ Термиз давлат университети биология кафедрасининг “Жанубий Ўзбекистон шароитида доривор ва хом-ашёбоп ўсимликлар биологияси” илмий тадқиқот иши мавзусига биноан бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Термиз шаҳри шароитида баъзи реликт дараҳтларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

- илмий адабиётларни таҳдил этиш;
- фенология ва ривожланиш маромини ўрганиш;
- интродукцион баҳолашни ўтказиш.

Тадқиқот обьекти ва предмети: Тадқиқот обьектлари – шарқ чинори (*Platanus orientalis* L.), сафсан хурмо (*Diospyros lotus* L.), ёввойи чилонжийда (*Ziziphus jujuba* Mill.), шарқ туяси (*Thuja orientalis*), гинкго (*Ginkgo biloba* L.), сохтакаштан (*Aesculus hippocastanum* L.), магнолия (*Magnolia grandiflora* L.) дараҳтлари.

Тадқиқот предмети - баъзи реликт дараҳтларнинг морфологияси, ўсиши, фенологияси, қўпайтириш.

Тадқиқот методлари. БМИ да анъанавий методлардан морфогенезни ўрганиш, интродукция истиқболини баҳолашдан фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Термиз шаҳри шароитида баъзи реликт дараҳтларнинг ўшиш хусусияти унинг кенг экологик диапазонга эга эканлигидан далолат беради.
2. Баъзи реликт дараҳтларни ривожланиш маромининг интродукция шароитига мослиги ва уруғдан униб чиқиш хусусияти интродукциянинг муваффақиятини кўрсатади.

Илмий янгилиги. Сурхондарё иқлим шароитида Шарқ чинори (*Platanus orientalis* L.), сафсан хурмо (*Diospyros lotus* L.), ёввойи чилонжийда

(*Ziziphus jujuba* Mill.), шарқ түяси (*Thuja orientalis*), гинкго (*Ginkgo biloba* L.), Сохтакаштан (*Aesculus hippocastanum* L.), магнолиянинг (*Magnolia grandiflora* L.) дараҳтларининг морфогенез бўйича биоэкологик хусусиятлари ўрганилди.

Олинган маълумотлар Сурхондарё шароитида Шарқ түясини (*Thuja orientalis*) кўп йиллар мобайнида ўстириш истиқболли эканлигини баҳоловчи белгилар йифиндисини ажратиб олишга, шунингдек уруғдан кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Баъзи реликт дараҳтларининг Сурхондарё вилояти экологик шароитига мос ўсиб ривожланиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистоннинг жанубий туманларида реликт дараҳтларни парвариш қилиш, шунингдек олий ўқув юртларида биолог - эколог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ноанъанавий ўсимликларнинг биоэкологияси ва уруғ биологияси маҳсус курсларда маърузалар ўқишида фойдаланиш тавсия этилди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Термиз шаҳрида шароитида иқлимлашган шарқ түясини уруғдан кўпайтириш технологияси ва парвариш қилиш жорий қилинди. Тадқиқот натижалардан Термиз давлат университети ботаника кафедрасининг ўқув жараёнида фойдаланилмоқда (далолатнома №1, 25.05. 2018 й).

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Тадқиқот натижалари ТерДУ Биология кафедраси қошидаги “ботаника” фан тўгарагида маъзуза қилинган ва муҳокамадан ўтган (2018).

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ 66 бетда баён этилган бўлиб, кириш, 2 боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялардан иборат. Унда 4 та жадвал ва 18 та расмлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 37 тадан иборат бўлиб, шундан 7 таси хорижий манбалардир.

1-БОБ. РЕЛИКТ ДАРАХТЛАРНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ер шаридаги табиий ўсимликлар, шу жумладан дараҳтларни бирламчи органик моддалар синтез қилувчи мукаммал фабрика деб ҳисоблаш мумкин. Ер юзида тарқалган барча ўсимликлар типлари орасида дараҳтлар энг қимматлиси ҳисобланади, улар ер шаридаги барча яшил ўсимлик заҳирасининг (фитомассаси) 82% ни ташкил этади (1960 млрд тоннага яқин). Барча ўрмонлар майдони 4 млрд га teng ёки улар қуруқликнинг 30% ни эгаллаган. Улардаги умумий ёғоч заҳираси 350 млрд куб. метр деб баҳоланган. Ўрмон кўпгина органик ресурслардан (нефть, газ, кўмир) фарқлироқ қайта тикланувчи табиий ресурс ҳисобланади.

Ўрмон азалдан инсонга бошпана берган, кийинтирган ҳамда қурилиш материали, техник, озиқ-овқат ва доривор хомашё манбаси сифатида хизмат қилган. Дунё дендрофлорасида қимматли ёғоч, доривор, озиқ-овқат ва техник аҳамиятига эга хомашё берувчи бир қанча дараҳт турлари мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ёғоч, ёки доривор ва озиқ-овқат хомашёси олиш учун катта майдонларда плантациялар ва маданий ўрмонларда етиштирилади.

Дараҳтлар - уруғ ҳосил қилувчи ўсимликларнинг 400 млн йил аввал пайдо бўлган энг қадимий ҳаётӣ шакллариdir. Дараҳтлар доимо кучли ривожланган ва шохланган ёғочлашган танаси мавжудлиги билан ажралиб туради. Дараҳтлар бутун ҳаёти давомида сақланувчи баландлиги 2-5 метрдан то 100 метргача, диаметри 0,3-1,5 м гача бўлган яққол ажралиб турувчи танасига эгадир.

Кўп танали дараҳтлар бўйи 10-20 м, диаметри 0,3-0,6 м гача бўлади. Бир танали дараҳтлар кўп танали дараҳтларга қараганда кам шохланади, бу эса асосий танани тез ўсиб, ривожланиши ва юқорига қўтарилишини таъминлайди. Кўп танали дараҳтларда бўлса аксинча тана тубидаги бўғимда жойлашган тиним ҳолатидаги куртаклардан янги новдалар ҳосил бўлади.

Ушбу новдалар бўйлаб озиқ моддалар teng тақсимланади. Шу сабабли асосий тана баланд ўса олмайди, натижада дараҳт қўп танали ва паст бўйли

кўринишга эга бўлади. Дарахтларнинг танаси ташқи шароит таъсирида ўзгариши мумкин. Буни бирор дараҳт турини ўрмонда ва очик ерда ўсган намуналарини солиштириб кўриб, яққол сезиш мумкин: ўрмонда ўсган дарахтларнинг танаси тик, баланд, яхши ривожланган ёғоч миқдори ва сифати юқори, шоҳ-шаббаси кам, танасининг энг юқори қисмида жойлашган бўлади. Аксинча очик ерларда ўсган дараҳт паст бўйли, сершоҳ ва танаси йўғон бўлиб ривожланади. Бир танали ва кўп танали дарахтларнинг муҳим биологик хусусиятларидан бири асосий танасининг шоҳ-шаббаларига нисбатан узоқ яшашидир. Ўрмон типидаги дарахтлар – асосий ўрмон ҳосил қилувчилардир. Уларнинг асосий танаси бутун онтогенез давомида ўзгармайди, ёнлама ривожланган шоҳлар орасида ҳам диаметрига кўра яққол ажralиб туради (қарағай, қора қарағай, оқ қарағай, тилоғоч, эман, терак арча турлари). Кўпгина дараҳт турлари кесилгандан сўнг тўнкасидан тиним ҳолатидаги куртаклардан бир ёки бир неча янги иккиламчи новдалар ўсиб ривожланади (секвоя, эман, қора қайнин, қайрағоч, терак).

1.1. Сурхондарёнинг реликт ўсимликлари

Чинор дарахти Ўзбекистон мустақиллик йилларида турли соҳада эришилаётган муваффақиятларни эътироф этганимизда, яъни ҳалқ хўжалигининиг турли тармоқлари билан биргаликда экология ва экологик муҳитни яхшилашда таъсир этадиган кўкаламзорлаштириш ва унинг ассортиментларини танлаш ва кўкаламзорлаштиришнинг янги механизмини ишлаб чиқиши ҳар доим долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Буларни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорларида кўчалар, хиёбонлар, таълим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган ҳудудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқлардаги кўкаламзорлаштирилган майдонларни яратиш ва фойдаланишдаги агротехник талаблар ва парвариш қилиш ишлари

Ўзбекистоннинг турли табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажаришни тақозо этади. Айниқса, дараҳт, бута ва чалабута турларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўсимлик турларини танлашда уларнинг шўрга, иссиқ ва совуққа, ҳамда сизот сувлари яқин жойлашганлиги ва қурғоқчиликка чидамлилигини инобатга олиш лозимдир.

Бу шароитларга чидамли бўлган дараҳт турларидан бири сифатида шарқ чинорини мисол келтиришимиз мумкин.

Шарқ чинорини Республикамиз ҳудудига кириб келиши тарихига назар соладиган бўлсак, Ўрта Осиёга Искандар Зулқарнайн лашкарлари истилоси даврида Кичик Осиёдан Эрон орқали келтирилган. Темур ва Бобур хукумронлиги даврида чинор дараҳтини бизнинг ҳудудимизга ҳожилар, савдогарлар ва дарвешлар томонидан Эрондан, Ўрта денгиз мамлакатларидан, Олд ва Кичик Осиёдан келтиришган. Ғарб чинори ва Заранг япроқли чинор (дурагай чинор) эса XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга келтирилган.

Хозирги вақтда чинорларнинг 7 тури мавжуд бўлиб, булардан 6 турининг ватани Шимолий Америка, 1 тури Ўрта денгиз мамлакатларидир. Булардан ташқари, 4 хил дурагайлари, яъни заранг япроқли чинор, испан чинори, понабаргли чинор, панжасимон баргли чинор шулар жумласидандир.

Республикамиз ҳудудида ёввойи ҳолда ўсиб турган шарқ чинорлари (*Platanus orientalis L.*) Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган камёб, реликт тур. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: Хисор тизмасида Сангардак, Тўполон, Қашқадарё, Обизаранг дарёларининг ҳавзаларида ўсади. Ўрта ер денгизида – Балқон ярим оролидан Химолайгача тарқалган.

Чинор дараҳти - уруғларини экиш йўли билан кўпайтирилади. Тошкент шароитида меваси (уруғи) ноябрнинг иккинчи ярми ва декабрь бошида йиғиб олинади. Қуритиб олинган ғўлаксимон мевалар эзилиб, уруғи ажратилади, бу уруғ тозаланиб бир сутка давомида сувга солиб ивитилади ва

соғ тупроқлардан тайёрланган кичик майдончаларда экилади. Бунда майдончаларнинг ҳар метрига тахминан 200 дона уруғ экилиб усти 1-2 см қалинликда қора түпроқ билан беркитилади ва хазон ёки ёғоч қипиғи сепилади, сув тараб яхшилаб намиқтирилиб қўйилади. Майса кўкариб чиққач, унинг устидаги хазон ва қипиқ ташланади. Майсанинг бўйи 10-12 см га етганда майдончанинг ҳар квадрат метрига 15-20 г ҳисобидан аммиак селитра сепиб ўғитланади. Ўғит сепилгандан кейин эгат ичи чуқур юмшатиб чопиб чиқилади.

Хамма чинор турлари ёғочларининг тузилиш жиҳатидан бир-биридан деярли фарқ қилмайди, орадаги фарқ факат тана ўртасидаги нисбатдадир. Бу манзарали дарахт чинорсимонлар оиласига киради, бўйи 30 м га етади. Танаси жуда йўғон, текис, пўстлоғи хира-оқиши тусда, юпқа қобиқлар билан қопланган бўлиб, шоҳ-шаббаси садасимон конус шаклида ўсади. Чинор ёғочи безакли ва ўзига хос тилларанг ёки тўқ қизғиши-жигар ранг бўлиб, вақт ўтиши билан оч пушти-тилла рангга киради. Чинорнинг физик-механик хоссалари ва чиришга чидамлилиги анча паст. Чинор ёғочидан жуда чиройли, ҳатто ёнфоқ ёғочи фанерасидан қолишмайдиган фанера тайёрлаш мумкин. Чинор тез ўсадиган дарахт бўлганлигидан уни саноатбоп ёғоч олиш учун ўстириш мақсадга мувофиқдир. Чинор ёғочи жуда пишиқ, чиройли мармарга ўхшаш бўлиб қорамтири қаватлари сарғиш товланади, жуда яхши ишланади ва силлиқланади. Улкан чинорнинг мафтункор чиройини кўриб, унинг ҳаёти нақадар боқийлигини ўйлайсан киши. Чинор дарахти 1000 йилгacha яшайди. Бу дарахт ёғочига меъморлар ва халқ усталари томонидан сайқал берилиб қимматли ўйма дарвозалар, эшиклар, столлар, шкафлар, сандиқ-кутилар тайёрланади.

Чинорларни ариқ ва дарё бўйларида қирғоқларни мустаҳкамлашда ва тоғ олди ҳудудларга асосан табиий оғатларга (сел, сув тошқинлари, қор кўчкилари) қарши дарахт ихота сифатида экиш тавсия этилади. Масалан, ҳозирда Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятининг тоғ олди ҳудудларида кўплаб учратиш мумкин.

Бундан ташқари, чинор дарахти турли хил касаллик ва заракунандаларга, совуққа чидамлилиги билан бир қаторда, ерларни мелиоратив ҳолати ва ер ости сизот сувлари сатхига қараб, сизот сувлар яқин жойлашган худудларга, сизот сувларнинг сатхини пасайтириш мақсадида экиш тавсия этилади. Лекин шўрланган сизот сувлари жуда яқин 1 ва 1,5м дан бошланадиган худудларга экиш тавсия этилмайди. билан ҳам ажралиб туради. Қолаверса, чинор дарахти сер ишқор тўпроқда ҳамда, ҳавосининг таркибида тутун газлар кўп бўлган ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган шаҳарлар шароитида ҳам яхши ўсадиган дарахтлардан биридир. Бу худудларга экилганда чинор барглари кўп миқдорда заҳарли газларни тутиб қолиши илмий жиҳатдан исботланганлиги адабиётларда ҳам келтирилган.

Ушбу оила фақат бир туркумдан – Чинор (*Platanus*) туркумидан иборат бўлиб, унинг вакиллари ёпиқ уруғлиларнинг энг қадимий турларидан бири ҳисобланади.

Чинорлар тез ўсиши билан ажралиб туради, 30-40 м баландликкача ўсиб текис ривожланган танасига эга бўлади. Барглари йирик, шаклига кўра заранг баргларига ўхшаш. Чинорлар бир уйли. Мевалари думалоқ шарчалар сентябр – октябрда пишиб этилади ва баҳоргача дарахтда сақланади. Баҳорда улар атрофга ёйилиб шамол ёрдамида тарқалади.

Уруғлари майда, 1 кг да 140-150 минг дона уруғ бўлади. Марказий Осиёда куйидаги чинор турлари тарқалган.

1.1.1. Шарқ чинори (*Platanus orientalis L.*) - чинордошлар оиласининг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. 1753 йилда буюк ботаник олим К. Линней биринчи бор иккита чинор турини илмий тавсифлаб берган. Кейинги йилларда шарқ чинорининг ареали кенгайиши кузатилмоқда, чунки у қўплаб маданий ҳолда ўстирилмоқда. Ўзбекистонда ёввойи чинор Қашқадарё вилояти Палангдарё ҳавзасида қайд этилган. Чинор уруғларини униши ер устки типида. Уруғпаллалари чўзинчоқ биринчи баргчалари чеккалари тишчали, навбат билан жойлашган. Чинор турлари мева бандидаги шарсимон мевалари сонига кўра ажратилади, 1 та меваси бўлса ғарб чинори,

1-3 мевалари бўлса заранбаргли чинор, 3-7 меваси бўлса шарқ чинорига тегишли бўлади. Меваси бир уруғли ўралган ёнғоқча, устунча кўринишида, асосида туклар билан қопланган. Уруғлари чўзинчоқ осилиб турувчи, муртаги тўғри, уруғпаллалари баргсимон шаклда. Дараҳтлардаги шарчалар бутун қиш давомида дараҳтда осилиб туради ва баҳорда алоҳида уруғларга ажралиб атрофга шамол ёрдамида сочилиб кетади. Шарқ чинорини ўсиш ареали: Кичик Осиё, Ўрта ер денгизи атрофи, шарқий Кавказ, Эрон, Афғонистон ҳудудларини ўз ичига олади. Ўзбекистонда Ҳисор тоғларида (Тўполанг дарёси ҳавзаси) чинорнинг табиий кичик ўрмонларида учрайди. Шарқ чинори соя берувчи дараҳт сифатида шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштиришда узоқ ўтмишдан бошлаб кенг фойдаланиб келинган, маҳаллий аҳолининг ёғочга бўлган талабини чинорнинг сифатли узоқ сақланувчи ёғочи ҳисобига қондирилган. Баландлиги 40 м гача бўлиб, диаметри 3-4 метргача ўсади. Чинор узоқ умр кўради, республикамиизда 800 – 1000 ёшли дараҳтлар мавжуд. Совуққа ўртacha чидамли, МДҲ, нинг европа қисмида совуқдан заарланади.

Фарб чинори (*Platanus occidentalis* L.) Шимолий Американинг Атлантика қисмида кенг тарқалган, кичик ўрмонлар ҳосил қиласи. Россияда 1800 йиллардан буён ўстирилмоқда, 30-40 м баландликка, 2-3 метр диаметрга эга, ўткир учли манзарали барглари дараҳтда узоқ сақланади. Кўкаламзорлаштиришда истиқболли тур ҳисобланади, Одесса шаҳрини кўкаламзорлаштиришда, Жанубий Украина ва Кримда кўплаб экилган. Совуққа ўртacha чидамли. Ўрмон мелиорациясида ҳам кенг фойдаланилади. Ушбу турлардан ташқари Ўзбекистон шароитларига заранбаргли чинор (*Platanus acerifolia* (Ait.) Willd.) тури интродукция қилинган ва кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га куйидаги чинор тури киритилган.

2.1.1. Шарқ чинорининг (*Platanus orientalis* L.) камёблик даражаси

(7.(212.) Шарқ чинори-Платан восточный-*Platanus orientalis* L.)

Камёблик даражаси 2. Ареали ажралган камёб, реликт тур. Қисқача тавсифи. Бўйи 30 м га етадиган кенг шох-шаббали дараҳт. Барги панжасимон қирқилган, 5-7 бглакли, эни 12-18 см. Бўлаклари чўзиқроқ, ўйилган, йирик тишчали. Гуллари бир жинсли, шарсимон тўпгулга йифилган. Мевали каллакчаси 2-7 тадан, диаметри 2-5 см атрофида. Меваси ёнғоқчасимон, тумшуқчали, ётиқ қалин туклар билан қопланган. Апрель ойида гуллаб, меваси август-сентябрда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: Хисор тизмасида Сангардак, Тўполон, Қашқадарё, Обизаранг дарёларининг ҳавзаларида ўсади. Ўрта ер денгизида - Балқон ярим оролидан Химолайгача тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмида, дарё бўйларида, булоқлар атрофида, тошлоқларда ўсади. Сони. Одатда якка-якка ҳолда ўсади. Баъзан кичик чинорзорлар ташкил қиласи.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йгл билан (илдизи ва бачкисидан) кўпаяди. Ўсимлик сони ва ареалининг гзгариш сабаблари. Турли эҳтиёжлар учун кесиб кетилиши тобора камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Жуда қадимдан манзарали дараҳт сифатида барча суғориладиган ерларда (Марказий Осиёда ва бошқа жойларда) экиб келинади (1-расм).

Мухофаза чоралари. Асрга тенгдош йирик чинорларнинг ҳар бири назорат остига олинган ва давлат томонидан қуриқланади.



1.1.2. Сафсан хурмонинг (*Diospyros lotus* L.) ареали

(3.(199.) Сафсан хурмо-Хурма кавказская-*Diospyros lotus* L.)

Камёблик даражаси 1. Жуда камёб, ареали қисқариб бораётган реликт тур. Қисқача тавсифи. Бўйи 15-20 м га етадиган қўнғир қора пўстлоқли дарахт. Барглари мустаҳкам, қайишсимон, чўзиқ, узунлиги 15 см. Гуллари сарғиши-қизил, қўнғироқсимон, икки уйли. Чангчили гуллари яримсоябонга тўпланган, уругчи гуллари якка-якка ёки бир нечтадан бўлиб ўрнашган. Меваси этли резавор, шарсимон, аввалига қизғиши, кейинчалик қўнғиркорамтири рангда. Май-июнда гуллаб, октябр-ноябрда меваси пишади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Хисор тизмаси (Тўполон ва Сангардак дарёлари хавзалари, Куштут, Тамшуш, Хондиза қишлоқлари атрофлари)да тарқалган. Тожикистон, Кавказ, Кичик Осиё, Эрон, Хитой ва Японияда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки ўрта қисмларидағи дараларнинг шағалли ёнбағирларида, булоқларнинг бўйларида ўсади. Сони. Кам учрайди, баъзан 5-15 тури бирга ўсади (2-расм).

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан бачкисидан) кўпаяди. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Хўжалик маисадлари учун ерларнинг ўзлаштирилиши, қурилиш ҳамда ўтин учун ишлатилиши туфайли камайиб кетмокда.

Маданийлаштирилиши. Қадим замонлардан бери экилиб келинади.

Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида 1948 йилдан буён экиб ўстирилади. Мухофаза чоралари. Тўполон ва Сангардак дарёлари хавзаларида қўриқхона ташкил қилиш лозим.



2-расм. Сафсан хурмо

Хитой олчаси ёки Шарқ хурмоси (*Diospyros kaki*) Эбендошлар (*Ebenaceae*) оиласига мансуб субтропик экин ҳисобланади. Хурмонинг ватани Хитой ҳисобланади.

Хурмо субтропик мевалар ичида энг яхши парҳез мева ҳам ҳисобланади. Мевасининг таркибида 15-25 % қанд, 0,1% кислота, витамин С ва бошқа фойдали тузлар мавжуд. Субтропик ўсимликлар ичида хурмо энг совуққа чидамли ҳисобланади ва -18-21оС гача совуққа чидайди. Хурмонинг 800 дан зиёд навлари мавжуд. Хурмо дарахти баланд бўйли бўлиб 5-10 метргача ўсади. Гуллари 3 хилда: бир жинсли бўлади. Бир жинсли чангчи ва уруғчи гуллари, ҳамда икки жинсли гулларининг гуллаш даври апрел ойидан то май ойининг бошигача давом этади, шу жараёнларни ҳисобга олган ҳолда чангланувчи навлар билан биргаликда бошқа навларни экиш тавсия этади. (Зонжумари, Гоша-Гаки навлари чангланувчи навлар ҳисобланади.)

Мевалари 100-400 граммгача оғирликда, кўриниши цилиндрический, юмалоқ, тухумсимон, япалоқ шаклларга эга, этли, ранги қизил-сариқ, оч-яшил, қорамтир, 10 донагача уруғи мавжуд. Хурмо дарахти 100 йилдан зиёдроқ умр кўради ва яхши ҳосил беради. Айрим навлари ҳатто 400-500 йил яшайди. Хурмо кўчатини уруғидан кўпайтириб, сўнgra навларни пайванд усули билан апрел ойида кўпайтирилади. Ёш ниҳоллари 2-3 йилданоқ ҳосил бера бошлайди ва ҳосилдорлиги юқори агротехника шароитида жуда юқори, яъни бир туп хурмо дарахтидан 50-300 кггача ҳосил олиш мумкин. Хурмо ёруғлик ва тупроқда намлик етарли бўлганда яхши ўсади ва юқори сифатли ҳосил беради.

Ўғитлаш: хурмони ҳар йили 120 кг/га азотли, 200 кг/га фосфорли, 60 кг /га калийли ўғитлар билан озиқлантириш ва ҳар 2-3 йилда бир марта 10-12 тоннагача маҳаллий ўғит бериш талаб этилади.

Юқори ҳосил олиш учун хурмони ўсув даврида 8-10 маротаба суғориш шарт. Мевалари асосан октябрнинг охири ноябр бошларида териб олинади. Мевасини музлатгич омборларда 3-4 ойгача саклаш мумкин (3-расм).

Навлари: Хиакуми, Томопан, Денов қантлиси, Гоша-гаки, Пионер-Ўзбекистон, Хачиа, Мазу –Гаки, Женжимару, Сенцлар.



3-расм. Хурмо ўсимлигининг меваси

Хурмо ўстириш агротехникаси. Хурмо кўчатларини етиштиришнинг асосий усули вегетатив усул, аниқроғи пайвандтагга куртак пайванд қилиш йўли билан амалга оширилади. Кавказ ва виргин хурмоси уруғлари кузда, юмшамасдан олдин терилади. Терилган мевалари сояда юмшаган ҳолатгача ушланади, сўнгра сувли идишда мева эти, пўстлоғи ва сув бетига қалқиб чиққан пуч уруғларидан ажратилади. Тўқ уруғлар идиш тубига чўкади.

Мевасидан ажратилган уруғлари сояда 2-3 см қалинликда ёйиб қурилилади, кунига 2-3 марта аралаштирилиб турилади. 1000 та уруғ оғирлиги кавказ хурмосида 130-140 г бўлади. 1 кг виргин хурмоси уруғларида 2500-3000 дона уруғ бўлади. Уруғ сепишнинг энг яхши муддати – баҳор бошига (март ойи) тўғри келади. Кузда сепилган уруғлар хам баҳор бошларида март

бошларида қийғос униб чиқади, лекин уларни баҳорги эрта совуқлардан ниҳоллари нобуд бўлиши мумкин.

Кузда тайёрланган ва қуруқ сақланган уруғлар 2 кун давомида сувда ивитилади (суви алмаштирилиб турилади). Экишдан аввал тайёрланган ерда 60 см эгатлар олинади. Уруғ экиш нормаси 4 г/ пог. метр ёки 70 кг/гектар. Уруғлар эгатлар устига 3-4 см чуқурликка экилади. Уруғ экиб бўлингандан сўнг эгатлар захлатиб сугорилади. Март ойининг об-ҳавосига қараб ниҳоллар униб чиқмасдан яна бир сугорилади.

Эгатлар уруғ экилгандаг сўнг мулчаланади, мульча материал сифатида опилка, чиринди ишлатилади. Мулча эгатларни уруғ экилган қисмини қатқалоқ бўлишига йўл қўймайди, тупроқда намни яхши сақлайди, уруғларни нормал униб чиқишига ёрдам беради. Ниҳолларда 2-3 та барглари пайдо бўлганида улар ягана қилинади, яъни 1 м эгатда яхши ривожланган, бақуват 20-25 та ниҳол қолдирилади. Сараланган уруғ кўчатларни парваришлаш илғор агротехник усуллар ёрдамида олиб борилади. Вегетация даврида 10-12 та сугориш ўтказилади (май-2, июнь-3, июль-3, август-3).

1.1.3. Ёввойи чилонжийданинг (*Ziziphus jujuba* Mill.) ареали

(4. (200.) Ёввойи чилонжийда-Унаби обыкновенная-*Ziziphus jujuba* Mill.)

Камёблик даражаси 2. Ареали кескин қисқариб бораётган камёб, реликт, субтропик тур. Қисқача тавсифи. Бўйи 12 м гача етадиган тарвақайлаган, мевасиз шохларида барглари икки қатор жойлашган, ёнбаргчалари йирик тиканлардан иборат дараҳт. Барглари чўзиқ тухумсимон, уч томирли, четлари тишлисимон ўйилган. Гуллари майда, яшилроқ рангли, ўткир хидли. Меваси чўзиқ юмалоқ ёки юмалоқ, диаметри 1,5 см гача етади. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб мева беради.

Тарқалиши. Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ғарбий Тяншан (Уғом, Чотқол, Қоржонтоғ тизмалари), Кўхитанг тизмасида: Боғлидара сойида ва Хисор тизмаларида (Ғузор дарё хавзасида, Шўроб,

Күштүтсай, Зинчаб, Зарчов, Дуоба ва Тамшут қишлоқлари атрофларида) тарқалган. Тожикистон, Туркманистан, Кавказ ортида хам тарқалган. Бу тур ўрта ер денгизидан Япониягача тарқалган.

Ўсиш шароити. Куруқ, шағалли, тошли ва юмшоқ тупроқли ёнбагирларда хамда дарё ва сой бўйларида ўсади.


Сони. Табиатда якка-якка холда ва кичик тўплар хосил қилиб ўсади. **Кўпайиши.** Уруғидан ва илдиз бачкиларидан кўпаяди. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Меваларининг териб олиниши, тупларининг ўтин учун кесилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Жуда қадимдан мевали ва доривор ўсимлик сифатида экиб келинган. Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида 1958 йилдан бошлаб экилиб келинади.

Мухофаза чоралари. Алоҳида мухофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Табиатда ўсиб турган чилонжийда туплари назорат остига олиниши лозим.

Чилонжийда (Унаби обыкновенный) – *Zizyphus jujuba* Mill. Чилонжийда жумрутдошлар – *Rhamnaceae* оиласига мансуб бўлиб, бўйи 2-5 м бўладиган тиканли дараҳт. Барглари чўзиқ тухумсимон, тишсимон қиррали бўлиб, қисқа банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, сариқ рангли, кўримсиз гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиқкан ярим соябонга жойлашган. Меваси тўқ сариқ-қизил рангли, думалоқ ёки бир оз чўзиқ, нордон-ширин мазали данакли мева. Чилонжийда июнь-июль ойларида гуллайди, меваси август-сентябрда пишади (5-расм).

Чилонжийда ёввойи холда Хитой, Марказий Осиё ва Кавказ тоғларида, уларнинг ўрта қисмидаги қуруқ қияликларда ўсади. Ўзбекистонда



4-расм. Ёввойи чилонжийда

чилонжийда ёввойи холда Тўполанг дарёси хавзасида учрайди. Халқ табобатида чилонжийданинг барги ва меваси ишлатилади. Баргини ўсимлик гуллаганда ва меваси пишишидан олдин йигилади ва соя ерда қуритилади. Меваси яхши етилиб пишганда кейин йигиб олинади ва очик ҳавода – қуёшда қуритилади. Чилонжийда барги таркибида 0,36% сапонинлар, 3,7% флавоноидлар (рутин, гиперозид, кверцимеритрин), 6,6% қандлар, 292,5 мг% С витамини, смолалар, 9,46% ошловчи моддалар, мевасида – 30% гача қандлар, 25% гача органик кислоталар, 3,5% флавоноидлар (рутин ва бошқа), С витамини, ошловчи моддалар бор [5, 12].



5-расм. Ёввойи чилонжийданинг меваси

Чилонжийда меваси қадимдан Хитой, Кавказ ва Марказий Осиё халқ табобатида турли касалликларни даволашда қўлланилган. Абу Али ибн Сино хам чилонжийдани кўкрак оғриғи, ўпка, бўйрак ва сийдик пуфаги касалликларини даволаш учун ишлатган. Чилонжийда мевасидан тайёрланган дамлама халқ табобатида кўкрак оғриғи ва йўталда юмшатувчи, йўтал қолдирувчи дори сифатида, камқонлик, астма, чечак, ич кетиши, иситма, ичак, ўпка, жигар, бўйрак ва қовуқ касалликларини даволаш учун хамда оғриқ қолдирувчи, қон босимини пасайтирувчи ва сийдик хайдовчи восита сифатида қўлланилади. Кейинги йиллардаги илмий

изланишлар чилонжийда барги ва мевасининг гипотензив (қон босимини пасайтирувчи) ва сийдик хайдовчи таъсирга эга эканлиги илмий тиббиётда кенг ишлатишга тавсия этилган.

Чилонжийда ўстириш агротехникаси. Чилонжийда уруғлари мева пишган вақтда (сентябрь охири – октябрда) тайёрланади. Мевалар пўсти қизаргач, ичи кўк, чилонжийда пашшаси билан заарланмаган, қўл билан мевани босгандаган эзилмайдиган мевалардан тайёрланади.

Тайёрланган уруғлар қуруқ, соя, яхши шамоллатиб туриладиган, чиримайдиган жойда сақланади. Янгидан терилган меваларнинг устки қобиқ мевасини тозалаш мақсадида, узоқ вақт бочка ёки шунга ўхшаш идишларда сақлаш тавсия этилмайди. Бундай сақланганда уруғлар қизиб, унувчанлиги йўқолади. Уруғларни қобиқ мевадан тозалашни осонлаштириш учун мевалар 1,5-2 сутка 2-3 маротаба алмаштириб туриладиган тоза сувда ивитилиб қўйилади. Учинчи куни ивитилган меваларнинг суви тўкиб ташланади. Мевалар шу идишга 2-3 кун сақланиб, кунига 2-3 марта аралаштириб турилади. Шундан кейин мева пўстлоғи тозаланади ва соядга куритилади.

Тозаланган уруғларни ўрта намли қумда стратификация қилинади. Агар уруғлар хаддан ташқари куритиб юборилган бўлса, у ҳолда уруғларни 2-3 кун оқар ёки кунига 2-3 марта алмашлаб туриладиган тоза сувда ивитилади.

Стратификация учун тоза эланган қумдан фойдаланилади, қум таркибида органик чиқинди аралашмаслиги лозим, акс ҳолда уруғ мофорлаши ва қизиб чириши мумкин. 1 хисса уруғ учун 3-4 хисса қум олинади. Уруғ қумга аралаштирилганда қум камроқ намланади. Уруғлар яшикларда стратификация қилиниб, ер остига 30-40 см чуқурликда қўмилади.

Уруғларни 50-60 см чуқурликдаги 80-100 см энлиқдаги 40 см тупроқ остида траншеяларда стратификация қилиш хам мумкин. Траншеялар узунлиги уруғ миқдорига боғлиқ. Ўрага сизот сув кирмаслиги учун ўранинг усти дўнглик қилинади, ёnlари ёмғир сув тушмаслиги учун ариқчалар олинади. Чилонжийда данагининг ўсиб чиқиши учун иссиқ харорат лозим.

Бунинг учун уруғлар экилишидан 15-20 кун харорати 20-25°C даражали жойга ўтказилади.

Чилонжийда уруғи баҳорда экилгани маъқул. Кузда экилган уруғ ёғингарчилик давомида ернинг зичланиши сабабли қатқалоқда қолиб кетиши боис заиф майсаларнинг ердан униб чиқиши қийинлашади. Ундан ташқари харорат ва намликтининг кўтарилиб ёки пасайиб туриши майсаларнинг бир меъёрда униб чиқмаслигига олиб келади. Уруғ экишнинг энг оптимал вақти февралнинг охири март ойининг 1-2-декадаси ҳисобланади. Тайёрланган эгатларда уруғ қумидан тозаланмаган ҳолатда қўл кучи билан экилади. Майдонда 80-100 кг/га майда маҳаллий, 90-100/га майда нордон мевали, 120-150 кг/га ўрта хил маҳаллий уруғли навлар экилади. Эгатлар ораси 70-90 см, уруғлар оралиғи 3-5 см ва 3-4 см чуқурликда экилади.

Май ойининг 2-3 декадаларида пайвандўст яшил новдаларнинг узунлиги 15-20 см бўлиб, 4-5 та куртак билан пайванд қилинади. Пайвандўст қаламчалар эрталаб, пастки томони билан сувда сақланади. Пайванд қилишдан олдин пайвандтагни ярим бўйидан юқориси кесиб ташланади. Пайванд оддий, барча мевалилар каби қилинади. 18-20 кундан кейин пайванд куртаги кўкаришни бошлайди. Шунда пайванд куртагидан юқориси кесиб ташланади. Бу эса пайванд куртагининг янада тез ўсишга олиб келади ва кузгача кўчат тайёр бўлади. Пайванд куртагининг қабул қилмаган (куриган) тақдирда тескари тарафдан дархол қайтадан пайванд қилинади.

1.2. Шарқ туясининг (*Thuja orientalis*) ўсиши ва ривожланиши

Ўрта Осиёда түя *Thuja orientalis* ни *Biota orientalis* деб қабул қилинган. Шарқ туясининг ватани Хитой ҳисобланади. Уни баъзан асосланмаган ҳолда бошқа туркумга *Biota orientalis* D.Don. ажратилган (Худойбердиев, 2007) Шарқ туясининг (*Thuja orientalis*) сарвдошлар *Cupressaceae* оиласига мансуб, бутасимон нина баргли дарахт. Секин ўсади, бироз сояга чидамли. Иссиқсевар (туясининг бошқа турларига нисбатан). Марказий Осиёда жумладан Ўзбекистонда яхши ўсиб ривожланиши билан ажралиб туради. У

шаҳар шароитида яхши ўса олади. Чанг ва газларга ўта чидамли. Шамолнинг салбий таъсири-қуруқ шамолларга ҳам бардош бера олади. Ерга тош ётқизилган кўчаларда ҳам яхши ўса олади. Шоҳ-шаббасини кесиб бориш натижасида хар-ҳил геометрик шаклларга келтириш мумкин.

Қуйидаги шакллардан кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади: Розедалнинг компакт тури –*f. Rosedalis compacta Hornibr.* - нозик арчагул, супурги гулга ўхшаш новдалари тухумсимон шаклдаги жуду қалин бута. Нина баргининг ранги бир йилда 3 марта: баҳорда тилла-сарғиши рангда, ёзда зангори яшил. Қишида тўқ бинафша рангга ўзгаради.

- сарвсимон - *f. Cupressoides hort.* Юқорига қараган оч яшил новдали устунсимон шакл.
- паст бўйли тилласимон- *f. aurea pana hort.*-тароқсимон новдали ва тилласимон ёки тилласимон яшил нина баргли бута.

Жонли яшил деворлар ҳамда якка-якка ёки гурух-гурух қилиб экиб ўстиришда ишлатилади. Биотанинг қурғоқчиликка. Совуққа юқор чидалилиги, тупроқларга талабчан эмаслиги, заарланганда тезда қайта тикланиши, бироз шўрланган ерларда ўсиши кўкаламзорлаштириш соҳасида кенг фойдаланишини имконини беради.

Фенологик кузатишлар интродукция қилинган ўсимликарни ўрганишда энг қулай ва самарали методлардан биридир. Фенологик кузатишлар нафақат турли ўтиш муддатларини белгилашда балки ўсимликларнинг чидамлилиги маҳсудорлиги, манзаравалилиги шунингдек улардаги хаётий жараёнларнинг маромини аниқлашда муҳим ахамиятга эга. Турли географик жойлардан келиб чиққан турлар вегетация даврини маълум кетма кетликда бошлайди. Бу эса баҳорнинг қандай келишидан



6-расм. Шарқ түяси- *Thuja orientalis*

қатъий назар сақланиб қолади. Хароратнинг асосий омил бўлгани холда мазкур жараён ўсимликнинг табиий ареалида мустахкамланган генотипик хусусиятлар томонидан бошқариб борилади. Ўсимликларнинг мавсумий ривожланиш мароми ташқи мухит таъсирида турнинг тарихий тараққиётини акс эттиради. Хар йилги метеорологик омиллар (иссиқлик, ёғингарчилик, атмосферанинг нисбий намлиги ва бошқалар) ўсимликнинг мавсумий ривожланишига ўз таъсирини курсатиб туради. Интродукция шароити ўсимликнинг табиий ареалидаги шароитга мос келганда уларни яхши иқлимлашганлиги қайд қилинган. Турли ўсимликлар баҳорги вегетацияни турлт пайтда бошлайди.

Кўплаб илмий манбаларда у ёки бу турга мансуб ўсимликлар мавсумий ривожланиш даврини фойдали хароратлар йифиндиси маълум даражага етганда бошланишини кўрсатувчи далилаларни учратамиз. Фенологик кузатишлар интродукция қилинган ўсимликларни ўрганишда энг қулай ва самарали методлардан биридир. Фенологик кузатишлар нафақат турли фазаларнинг ўтиш муддатларини белгилашда, балки ўсимликларнинг чидамлилиги, маҳсулдориги, манзарапалилиги, шунингдек, улардаги ҳаётий жараёнларнинг маромини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Турли географик жойлардан келиб чиқсан турлар вегетация даврини маълум кетма кетликда бошлайди, бу эса баҳорнинг қандай келишидан қатъий назар сақланиб қолади мустахкамланган генотипик хусусиятлар томонидан бошқариб борилади (7-11 – расм).



A



Б



В

7-расм. Шарқ туясининг (*Thuja orientalis*) умумий қўриниши:
А -вегетатив новдаси, Б -қуббасининг шаклланиши В-қуббали новдаси




A



Б

8-расм. А- Шарқ туяси (*Thuja orientalis*) новдасида уруғчили қуббасининг шаклланиши, Б- чангчи қуббасининг қўриниши



А



Б

9-расм. А-Шарқ туясини меваси, Б-баргини кўриниши



A



B

**10-расм. А- Шарқ туясини етилаётган қуббаси (май),
Б-қуббани ажратилған қисмлари**



А



Б

11-расм. А- Шарқ түясининг етилаётган қуббаси ва етилган қуббаси
Б- дарахтнинг кўриниши ва тузилиши

Шарқ тусининг уруғ унувчанлиги. Тадқиқотларда Шарқ тусининг уруғ унувчанлигини ўрганиш икки шароитда олиб борилди:

- Хона шароитида уруғ унувчанлиги.
- Дала шароитида уруғ унувчанлиги.

Хона шароити мухитида Петри ликопчасида 3 дона намланган қофоз устига 25 донадан Шарқ туси (*Thuya orientalis*) нинг уруғлари экилди. Тадқиқотлар 3 хил муддатда феврал, март ва апрел ойларида ўтказилди.

1-жадвал

Шарқ туси уруғларининг унувчалиги % (феврал, хона шароити)

| № | Кузатилган кунлар | | | | | | | | | |
|------------------------|-------------------|---|----|----|----|----|---|---|---|----|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| униб чиқсан уруғлар, % | 2 | 8 | 10 | 15 | 22 | 11 | 8 | 7 | 3 | 1 |

Феврал ойида хона шароитида уруғлар 5 кунда униб чиқишни бошлади. Уруғлар униб чиқишни бошлаган кунда 2%, максимал даражада униб чиқиш эса 10 кунда (22%) хамда 15 кундан сўнг уруғар униб чиқиши камайди (1%). Шундай қилиб хона шароитида жами 87 % уруғлар униб чиқди. Уруғнинг униб чиқиш энергияси 14,7% ни ташкил этди.

2-жадвал

Шарқ туси уруғларининг унувчалиги % (март, хона шароити)

| № | Кузатилган кунлар | | | | | | | | | |
|------------------------|-------------------|---|---|----|----|----|---|---|---|----|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| униб чиқсан уруғлар, % | 1 | 3 | 9 | 15 | 16 | 18 | 6 | 4 | 2 | 1 |

Март ойида хона шароитида уруғлар 6 кунда униб чиқишни бошлади. Уруғлар униб чиқишни бошлаган кунда 1%, максимал даражада униб чиқиш эса 11 кунда (18%) хамда 15 кундан сўнг уруғлар униб чиқиши камайди (1%). Жами 75 % уруғларнинг униб чиқиши аниқланди. Уруғнинг униб чиқиш энергиячи 20,7% ни ташкил этди.


Шарқ туяси уруғларининг унувчалиги % (апрел, хона шароити)

| № | Кузатилган кунлар | | | | | | | | | |
|------------------------|-------------------|---|---|----|----|----|---|---|---|----|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| Униб чиққан уруғлар, % | 1 | 2 | 9 | 12 | 14 | 17 | 5 | 3 | 2 | 1 |


Апрел ойида хона шароитида уруғлар 6 кунда униб чиқиши бошлади. Уруғлар униб чиқиши бошлаган кунда 1%, максимал даражада униб чиқиш эса 12 кунда (17%) хамда 16 кундан сўнг уруғлар униб чиқиши камайди (1%). Жами 66 % уруғларнинг униб чиқиши аниқланди. Уругнинг униб чиқиши энергияси 17,8% ни ташкил этди.

Классик экология ўсимликлар доимий равишда мухит омилларининг таъсирида бўлади ва улар ўсимликка биргаликда таъсир кўрсатади, бу эса турнинг ўз ареалини ва турлар орасидаги рақоъатга бардошини оширади, деб ўқтиради.

Интродукция қилинган ўсимликларнинг қийматини ёғочининг сифати, манзаралик даражаси, санитар-гигиеник, биологик хусусиятлари билан бирга иссиқ ва совуққа бардошлилиги ҳам белгилайди. Шу сабабли турли иқлим шароитларида ўсимликларнинг экологик омиларга муносабати кенг тадқиқ қилинган. Илмий манбаларда келтирилишича, ўсимликларнинг совуққа бардоши турнинг генетик белгилари билан мустаҳкамланган хусусиятидир. Ўсимикнинг совуққа ёки иссиққа бардоши одатда экстремал шароитда аникроқ намоён бўлади. Қатор тадқиқотлар ўсимликларнинг совуқ ёки иссиққа бардоши унинг ёшига ҳам боғлик эканлигини кўрсатади. Совуққа бардошлилик ўсимликларнинг географик келиб чиқиши билан боғлик. Шунингдек, табиий ареали кенг бўлган ўсимликлар ҳам экологик омилларга тез мослашувчан ва чидамли бўлади. Термиз шароитида тез-тез такрорланиб турадиган қишиқи илиқлиқ ва баҳордаги кечки совуқ ўсимликларни иқлимлаштиришда жиддий тўсиқ бўлади.



А



Б

12-расм. Шарқ түясининг А-уруғ унувчанлиги кўрсаткичи, % (хона шароитида), Б- уруғ унувчанлиги кўрсаткичи, % (дала шароитида)

Шундай қилиб, турли муддатларда экилган шарқ туяси уруғлари фарқлар аниқланди ва тегишли равишда 85%, 77 % ва 66% ни ташкил этди.

Суғориладиган дала шароитида хам уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичлари нисбатан хона шароитидаги натижаларга мос келди. Тегишли муддатларда суғорилган тупроққа экилган уруғларнинг унувчанлиги кўрсаткичи мос тарзда 45%, 39% ва 35 % ни ташкил этди. Дала шароитида уруғ унувчанлигининг хона шароитига нисбатан пастлигини тупроқ-икклиминг таъсири билан изоҳлан мумкин. Таъкидланганидек, сутка мобайнида ҳаво ва тупроқ ҳарорати кескин ўзгариб туради. Кундузи ўртacha ҳаво ҳарорати 30-35⁰C бўлса, кечки пайтларда 12-18⁰C га етади. Бу эса уруғнинг униб чиқиши учун зарур ҳароратни ўз вақтида тўплашига хамда муртакнинг унишига ноқўлайлик тўғдиради.

Экологик омилларига муносабати ва интродукциявий баҳолаш. Ўсимликлар интродукциясининг муваффақияти ундаги белгилар йифиндиси билан баҳоланиб, улардан энг муҳими ўсимликнинг катта (онтогенетик) ва кичик (мавсумий) хаёт цикллари ўтишининг тўлиқлиги бўлиб ҳисобланади, унга ўсимлик габитусининг сақланиб қолиши хос бўлади. Интродукциянинг муваффақиятли эканлигини баҳолашда генератив ривожланиш, вегетатив кўпайиши, габитуснинг сақланиши, касаллик ва зааркунандалар билан заарланиши, йилнинг ноқулай даврларидағи ўсимликларнинг яшовчанлиги ҳисобга олинади. Шарқ туясининг интродукция натижаларини таҳлил қилиш учун 6 кўрсаткичли баҳолашдан фойдаландик. Турни баҳолаш 100 балли шкала орқали амалга оширилди. 20-39 - гача бўлган баллар йифиндиси истиқболсиз, 40-59- кам истиқболли, 60-79 – истиқболли ва 80-100 – жуда истиқболли деб ҳисобланди. Шарқ туясининг интродукция шароитида мўл барг массасини ҳосил қила олиш қобилияти уни хўжалик баҳосининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шарқ туясининг интродукция шароитида касаллик ва зааркунандалар билан заарланмади. Б. Тўхтаев (2007) томонидан таклиф қилинган шўрланган тупроқларда ўсимликларни

интродукцион баҳолашнинг шкаласи бўйича кўрсатмани ҳисобга олган ҳолда Сурхондарё вилояти шароитига хос бўлган интродукцион баҳолаш ишлаб чиқилди. Шарқ түясининг ўсимлиги юқори ҳароратга муносабатига кўра- ўртacha чидамли, суғоришга бўлган талаби-ўртacha, паст ҳароратга муносабати-чидамли, вегетатив купайиши-кучсиз, табиий экилиш-ўртacha, касаллик ва зааркундаларга чидамлилиги-заарланмайди. Шундай қилиб, Шарқ түясининг ўсимлиги интродукция шароитида 70 балл тўплади ва истиқболли тур деб ҳисобланди.

4-жадвал

Шарқ түяси нинг интродукцион баҳолаш шкаласи (баллар)

| Кўрсаткичлар | Даража ва баллар | | | | | | Интро- дукцион баҳоси, балл |
|--|------------------|----|-------------------|----|-------------------|---|--------------------------------------|
| Юқори ҳароратга муносабати | чидам-ли | 15 | ўртacha чидамли | 10 | чидам-сиз | 5 | 15 |
| Суғоришга бўлган талаби | паст | 15 | ўртacha | 10 | юқори | 5 | 15 |
| Паст ҳароратга муносабати | чидам-ли | 15 | ўртacha чидамли | 10 | чидам-сиз | 5 | 15 |
| Вегетатив купайиши | интен-сив | 25 | кучсиз | 15 | кўкар-майди | 5 | 5 |
| Табиий экилиш | юқори | 15 | ўртacha | 10 | бўл-майди | 5 | 5 |
| Касаллик ва зааркундаларга чидамлилиги | заар-ланмайди | 15 | кучсиз заарланади | 10 | кучли заар-ланади | 5 | 15 |
| Жами | | | | | | | 70 |

Шунингдек Шарқ түяси уруғдан кўпая олиш қобилияти, юқори ҳароратларга муносабати жихатдан маҳсулдорлиги, касалликларга

чиdamлилиги жиҳатдан бу интродуцент ўсимликни очиқ дала шароитида кўпайтириш мумкин.

1.3. Гинкгонинг (*Ginkgo biloba* L.) биологияси

Гинкгодошлар (*Ginkgoaceae*) Сибир юра флораси даврида ривожланиш босқичининг юқориги чўккисига эришган эди. Учламчи даврда бу синф вакиллари Узоқ Шарқ, Сибирда жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳозирда фақат битта тури гинкго билоба (*Ginkgo biloba* L.) сақланиб қолган.


Гинкго билоба моноподиал типда шохланадиган сийрак шох-шаббали дарахт, бўйи 30-40 метр, диаметри 1,5-4,5 метр. қобиги оқиш, кулранг тусда. Новдаси узун, шохчалари калта, оқиш кул ранг. Куртаги конуссимон шаклда, қўнгир рангда. Барглари узун бандли, барг пластинкаси елпигиҳисимон, эни 5-10 см, чети чуқур ўйиқли, 2-3 бўлмали, қалин пўстли, туксиз, оч яшил рангда. Барг бандининг томирлари дихоматик шохланган, барча новдада спиралсимон, шохда эса 2-5 тадан тўп-тўп бўлиб жойлашади. Пояси ва илдизи анатомик тузилиши жиҳатидан нинабарглилариникига ўхшайди.

Гинкго икки уйли ўсимлик. Микроспорачи барглари исирғасимон қубба бўлиб, қисқарган новдачаларидаги барглар қўлтиғида ҳосил бўлади. Ҳар қайси спорачи баргда кўпинча анча йирикроқ, жуда кўп микроспорали иккита микроспорангий (чангдон) бўлади. Макроспорачи барги узун бандли бўлиб, оддий баргларга ўхшайди, учida пластинка ўрнига иккита микроспорангий (урұғкуртак) ҳосил бўлади. Уруғкуртак чангланаётганда чанг ҳосил қилувчи хужайра чанг камерасига ўсиб кириб, калта чанг найзасига айланади. Шу вақтда найчада антеридий хужайрасидан кўп хивчинли иккита йирик сперматозоид пайдо бўлади ва улардан бири тухум хужайра билан қўшилади. Уруғкуртагининг тузилиши ва тухум хужайрасининг уруғланиши жиҳатидан гинкго саговникларга ва уларнинг қадимгиси бўлган уруғли папоротникларга ўхшаб кетади. Уруғи етилганда

пистага ўхшаш, қаттиқ бўлиб, бўйи 3 см, эни 1,5 см га етади. У икки паллали бўлиб, эндосперма крахмал ва ёғ моддаларига бойдир. Озиқ-овқат сифатида уруғининг аҳамияти каттадир.

Гинкго учламчи геологик даврларда кўп тарқалган реликт ўсимликларидан бири. У ҳозирги вақтда Японияда ва Хитойнинг шимолий шарқий вилоятларида табиий ҳолда ўсади. МДҲ давлатларида эса Кримда, Грузиядаги ва Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида парк ва ботаника боғларида ўстирилади, -30°C гача совуққа чидайди.

Гинкго уруғидан ва қаламчасидан, тўнкасидан бачки новда чиқариб ҳам кўкаради. Кавказнинг кўп туманларида қатор қилиб экилиб, хушманзара дарахт сифатида фойдаланилади. У ўртacha иқлимда, ҳавоси сернам мамлакатларда экилса, яхши ўсади. Айрим жойларда 2000 ёшга кирган туплари учрайди. Гинкго Тошкентдаги ботаника боғида ва дендропаркда ўстирилади.



12-расм. Гинкго (*Ginkgo biloba* L.) мевасининг кўриниши

1.4. Сохта каштанинг (*Aesculus hippocastanum* L.) гуллаш биологияси

Сохта каштан (Конский каштан обыкновенный) - *Aesculus hippocastanum* L. - Сохтакаштандошлар – *Hippocastanaceae* оиласига мансуб баландлиги 30 м гача етадиган манзарали дараҳт. Сохта каштан тури Ўзбекистонга интродукция қилинган ва шаҳар шароитларида газга ва иссиқга чидамли дараҳт эканлигини кўрсатди. Барги панжасимон йирик 5-7 тадан, ўртадагиси катта, иккита четидагиси кичикроқ, мураккаб бўлиб, пояси билан шохларида узун банди ёрдамида қарама-қарши жойлашади. Баргчалари тескари тухумсимон, ўткир учли, қўшаррасимон қиррали. Беш бўлакли, олдин сарғиш, кейинроқ қизғиши доғли оқ гуллари тик ўсуви рўвакка тўпланган. Меваси – пишганда 3 та чаноги билан очиладиган, битта (баъзан уттагача) уруғли, думалоқ шаклли, яшил рангли тиканлар билан қопланган кўсак хисобланади.

Сохта каштан май-июнь ойларида гуллайди, сентябрь-октябрь ойида меваси етилади. Ватани Болқон ярим ороли, МДҲнинг Европа қисми ўрта ва жанубий худудлари ҳисобланади, Крим, Кавказ ва Марказий Осиёда манзарали дараҳт сифатида кўчаларда, истироҳат боғларида кенг ўстирилади.

Тиббиётда сохтакаштанинг уруғи, гули ва барги кенг қўлланилади. Меваси тўлик пишганда қоқиб олиниб, ундан уруғи ажратилади ва очик хавода - қуёшда қуритилади. Барглари ёз бўйи йиғилиши мумкин, аммо фақат соя ерда қуритилади.

Уруғи таркибида эскулин, фраксин, кумарин гликозидлари, флавоноидлар (кверцетин ва кемпферол гликозидлари), 8-10% тритерпен сапонинлар (эсцин ва бошқа), 6-8% ёғ, 50% гача крахмал, 8-10% оқсил, ошловчи ва бошқа моддалар, баргига – флавоноидлар

(кверцетин, кемпферол ва уларнинг гликозидлари), каротиноидлар ва бошқа фаол бирикмалар бор.



13-расм. Оддий сохта каштан - *Aesculus hippocastanum* L.

Сохтакаштан уруғидан тайёрланган экстракт – эскузан тромбофлебит ва вена қон томири (айниқса оёқда) кенгайиши олдини олиш ва даволашда ҳамда бавосил ва атеросклерозда ишлатилади.

Бу оиланинг вакиллари дараҳт ўсимликлардир. Барглари мураккаб панжасимон тузилган бўлиб, доира шаклида жойлашади, ёнбаргчалари йўқ. Гуллари йиғилиб, йирик шингил ҳосил қиласи, улар икки жинсли, беш аъзоли типда. Меваси қўсак бўлиб, уч паллага ажралади. Уруғи юмалоқ, силлиқ, ялтироқ, муртагининг уруғпаллалари серэт. Бу оила учун сохтакаштан (*Aesculus hippocastanum* L.) типик вакил ўсимлик хисобланади.

Сохтакаштан катта дараҳт, бўйи 25-30 м, диаметри 1 м келади. У ниҳоятда чиройли ўсимлик. Сершоҳ, шоҳлари ва новдалари йўғон шоҳшаббаси қалин пирамида шаклида, куртаклари йирик ва чидамли. Барг бандининг узунлиги 20 см га етади, унда 5-7 та тескари тухумсимон йирик

баргчалар бўлади. Сохтакаштан апрел-май ойида гуллайди. Гулбарглари оқ, лекин тубида аввал сарик, сўнг пушти рангли доғ пайдо бўлади. Меваси октябр ойида етилади, у тиканли, юмалоқ бўлиб, йирик, тўқ жигар ранг, ялтироқ битта уруғи бўлади. Кузда йифиб олинган уруғлари баҳорда сепилса, 20-25 кунда униб чиқади.





14 - расм. Гуллаган каштан дараҳти ва мевасини қўриниши


Бу дараҳт Болқон ва Қрим ярим оролларида ўсадиган энг чиройли дараҳт ўсимликлардан бири хисобланади. МДҲ нинг Европа қисмида Россиянинг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари атрофида экилади, лекин бу ерларда совуқдан заарланади. Сохтакаштан соясевар ўсимлик. У унумдор нам тупроқли ерларда яхши ўсиб ривожланади. Ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келиши унга ёмон таъсир этади. Бундай шароитда ёзниг ўрталарига келиб барглари сарғайиб, қуриб қолади. Тўнкасидан кўкаради, илдизидан бачкилади. Уни қаламчадан кўпайтириш ҳам мумкин. Сохтакаштанинг яна бир неча турлари бўлиб, улар куйидагилардир: *Aesculus glabra* Willd.,

Aesculus octandra Marsh., *Aesculus pavia* L., *Aesculus lutea* Wang., *Aesculus carnea* Hayne. Уларнинг ҳаммаси Шимолий Америкада ўсади. Биринчи турнинг куртаги елимсиз, гуллари сариқ бўлиб, кичик тўпгул ҳосил қиласи. Меваси тикансиз, ўзи совуққа чидамли. Иккинчи турининг гули йирик учинчи тур бута ёки кичик дараҳт бўлиб, гули қизил. Барча турлари ниҳоятда хушманзара бўлиши билан тавсифланади. Шунинг учун кўкаламзорлаштириш ишларида улар катта аҳамиятга эга. Сохтакаштаннинг барча турларини шаҳар кўчаларига экиш тавсия қилинади. Тошкент шаҳри кўчаларida, паркларида сохтакаштан кўплаб ўстирилади.

Термиз шаҳри шароитида мавсумий гуллаш динамикаси 18-28 май кунлари кузатилди. Натижага кўра, энг кўп гулларнинг очилиши 22-майга тўғри келди (кузатишнинг 6-куни). Бу пайтда ўртача ҳаво ҳарорати 27°C ва ҳаво нисбий намлиги 49% ни ташкил этди.



15-расм. Каштаннинг пишиб етилган мевасининг қўриши




16 - расм. Сохта каштаннинг мавсумий гуллаш динамикаси

1.5. Магнолиянинг (*Magnolia grandiflora* L.) биологияси

Магнолия барглари доим яшил ёки тўклиб турадиган ниҳоятда гўзал дараҳтдир. Унинг бўйи 25-30 метрга етади. Барглари оддий, серэт, чети текис бўлади. Гуллари биттадан, йириқ, диаметри 10-25 см га яқин, оқ ёки пушти, ниҳоятда хушбўй. Гулқўрғонда барглари 8-12 та бўлиб, ҳар қайси доирасида учтадан жойлашади. Чангчиси ва уруғчиси чексиз кўп, улар спирал шаклда жойлашади. Магнолия ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Меваси кўп. 1-2 уруғли данакча-резавор мевадир. У Шимолий Америкадан тарқалган. Кавказ ва Крим шароитида доим яшил ҳолида ўсади. Баъзи турлари кузда баргини тўкади. Бизнинг шароитимизда магнолия қурғоқчиликдан ва қишки совуқдан заарланади. Магнолия чиройли дараҳт бўлғанлигидан республикамизнинг жанубий туман-ларида турар жойларни безаш учун экиш мақсадга мувофиқдир.



17 - расм. Магнолия дараҳтининг кўриниши



18-расм. Магнолия гулларининг кўриниши ва ранги

Ёпик уруғлилар, гулли ўсимликлар ёки магнолиятоифа бўлими. Гулли ўсимликлар бўлими дараҳт, бута, чалабута кўп йиллик ва бир йиллик ўт ўсимликлари бўлиши билан бирга, тропик ўрмонларда чирмасиб ўсувчи вакилларига, шунингдек эпифит ўсимликларига эга. Умуман олганда, бу бўлим вакиллари 100 мли. Йилдан ортиқ йил мобойнида қуруқликда устунлик, хукумронлик қилиб келмоқда. Бу бўлим оз бўлсада сапрофит ва паразит ҳолда яшовчи ва-килларга ҳам эга, ёпик уруғли ўсимликлар уруғи мева ичидаги бўлиши, чанги ва уруғчига эга бўлган гулнинг бўлиши, уларнинг хилма-хил йўллар билан чангланиши, кўш уруғланишинг кузаталиши ва шунингдек уруғ куртакнинг уруғга, тугунчанинг эса мевага айланиши каби ўзига ҳос белгиларида эгадирлар. Замонавий ботаникларнинг кўпчилиги гулли ўсимликлар монофилетик йўл билаи келиб чиққан деб хисоблайдилар.

Гул ёки ёпик уруғли ўсимликларнинг келиб чиқиш хақида икки назария мавжуд. Булар ичидаги энг қадимиysi, XX асрда Австралиялик ботаник Рихард Веттештейн тойонидан тақдим этилган псевданг-сохта гул назариясидир. Бу назарияга асосан гул эфедраномалар, гаетнамолар қабиласига мансуб бўлган эркак ва урғочи гуллалардан (тўпгулидан) вужудга келган (майда кўримсиз гуллар).

Иккинчи назария эса - эуанций (хақиқий гул) назарияси, бўлиб бунга асосан гул, беннетитсимонларнинг шакли ўзгарган стробилидан иборат бўлиб, ўқнинг учки қисмининг шакли, вазифаси ўзгариб гул косагача айланган (гуллар йирик, гул косачаларга эга).

Гулли ўсимликлар бўлими икки синфга бўлинади.

1. Икки паллалилар ёки магнолиясимонлар (*Magnolipipsida*).
2. Бир паллалилар ёки лоласимонлар (*Monocotyledonese, Liliopcida*).

Магнолиясимонлар синфи 328 яқин оилаларга эга бўлиб, улар хилма-хил экологик муҳитда учрайди, 180000 яқин турга эга.

Бу бўлимнинг энг янги классификацияларидан бири акад. А.Л.Тахтаджян системасидир. Бунда ҳам гулли ўсимликлар бўлими 2 та синфга, 94 қабилага ва 440 оиласига бўлинади. Шундан 74 қабила ва 373

оила икки паллалилар синфига мансубдир. Магнолиянамолар кабиласи. Бу қабиланинг магнолиядошлар (*Magnoliaceae*) оиласи вакиллари асосан дарахт, бута ўсимликлари бўлиб, барги катта, навбат билан жойлашган. Бу ои-ланинг баъзи вакиллари иккиламчи ёғочли найчаларга эга эмас. Сув ўтказувчи элементлар трахеидлардан ташкил топган. Ўсимлик пўстлоқларида, баргида эфир мойли безлар бўлади. Гули икки жинсли, гулкўргони йирик, улар одатда оқ ёки пушти рангли.

Бу оиланинг қўп тарқалган туркуми магнолия дарахти (*Magnolia grandiflora* L.) доимо яшил, баъзилари баргларини тўкади, Асосан Шимолий Америка ва Жанубий - Шарқий Осиёда тарқалган.

2-БОБ. ДАРАХТ КҮЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҮРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Дараҳт ўсимликлари ҳаётидаги фаслий ўзгаришлар иқлим шароитлариға чамбарчас боғлиқ ҳолида кечади. Бу ҳодисаларни ва уларни ўзаро муносабатларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эгадир, чунки улар турли иқлим шароитларида, турли даврларда кечади. Ўсимликлар ҳаётида содир бўладиган фаслий ҳодисаларни ўрганадиган фан фенология яъни грекча *phainomai*- ҳодиса, *logos* - фан деган маънони англатади.

Дараҳт ўсимликларининг фаслий ўзгаришларини билмасдан туриб, уларнинг биологик, экологик ва бошқа хусусиятларини билиш мумкин эмас. Фаслий ўзгаришларни ўрганиш мақсадида дараҳт-буталарнинг турли фаслларда ривожланиш этаплари устидан кузатишлар ўтказилади. Бу кузатишлар дараҳт ўсимликлари ҳаётидаги асосий ўзгариш даврлари, уларни бошланиши, жадал ўтиши, ва тугалланиши муддатлари ҳақидаги маълумотлар олиш имконини беради. Бу ўзгаришлар бир турда турли шароитларда турлича муддатларда ўтади, кўпгина мевали дараҳтлар водий шароитларида март охири-апрел бошларида гулласа, тоғларда бу жараён апрел охири-май бошларида кузатилади.

Фаслий ўзгаришларнинг қонуниятларини билиш дараҳт-бута ўсимликларини қандай иқлим шароитларида экиш, ареалини кенгайтириш ва улардан тўғри фойдаланиш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Айниқса халқ хўжалиги учун қимматли бўлган муҳим дараҳт-бута ўсимликларини худудлаштиришда бу кузатишлар катта рол ўйнайди.

Дараҳт ва бута ўсимликларининг фаслий ўзгаришлари асосан Ботаника боғи, дендропарклар ва ўсимликшунослик бўйича тажриба станцияларида кузатилади, улар асосан нафакат маҳаллий турлар, балким интродукция қилинган турларда ҳам бу ўзгаришларни ўрганишда қуйидаги муҳим масалалар ҳал этилади: дараҳт ва бута турларининг уруғлари ва кўчатлари қайси географик минтақада қандай муддатларда сепилиши ва экилиши,

уларни гуллаш муддатлари, гуллашининг давомийлиги, уруғ ва меваларини етилиши, ҳосилдорлиги, меваларини тўкилиши, уруғларини тарқалиши ва шу каби бир қанча амалий масалаларга аниқлик киритилади. Фаслий ўзгаришларни кузатишлар натижасида ўсимликлар вегетациясини давомийлиги аниқланади, бу айниқса интродукция қилинган ўсимликлар учун муҳимдир. Фенологик кузатишлар дараҳт-бута ўсимликлар интродукциясида катта аҳамиятга эгадир.

Дараҳт-буталардаги фаслий ўзгаришларни кузатиш билан бир пайтда дараҳтзорларда мавжуд заарли ҳашоратларни қишлодан учиди чиқиши, тухум қўйиши, урчиши ва замбуруғ касалликларни ривожланиш стадиялари ҳам қайд этиб борилади. Бу кузатишлар уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Дараҳт-буталарни гуллаши, гуллашининг давомийлиги, баргларини кузда сариқ, қизил рангга кириши каби фенологик фазаларни кўкаламзорлаштиришда аҳамияти каттадир, улар шу манзарали хусусиятларига кўра кўкаламзорлаштириш учун танлаб олинади. Фаслий ўзгаришларни ўрганиш натижасида олинган маълумотларга асосланиб дараҳт-бута турларини феноспектрини ва фенохаритасини тузиш мумкин. Булар ўз навбатида турни қайси иқлим шароитида ўстириш ва улардан қандай фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб беради.

Дараҳт ва буталар ҳаётини ва улардаги фаслий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида қўйидаги кузатишлар олиб борилади:

- ўсимликлар танасида шира харакати бошланиши;
- барг куртак ва гул куртакларнинг бўртиши;
- куртакларнинг ёзилиши;
- янги куртакларни пайдо бўлиши;
- бошланғич-биринчи баргнинг пайдо бўлиши;
- баргларнинг тўлиқ очилиши;
- гул ғунчаларни ривожланиши, очила бошлаши, тўлиқ очилиши ва очилиб бўлиши;
- чангланиш ва уруғланиш;

- мева ва уруғларнинг етилиши;
- мева ва уруғларнинг тўкила бошлиши ва тарқалиши;
- новдаларнинг ўсиши ва ўсишдан тўхташи;
- янги куртакларни пайдо бўлиши;
- гулкуртакларни ривожланиши;
- кузда баргларнинг сарғайишини бошланиши ва ёппасига сарғайиши;
- баргларнинг тўкила бошлиши;
- баргларнинг батамом тўкилиши;
- қишки тиним муддати ўрганилади.

Кузатиладиган дараҳтлардаги шира ҳаракати дараҳт танасини чуқур кесиш орқали аниқланади. Кесилган жойда томчилар пайдо бўлиши шира ҳаракати бошланган кун сифатида кузатиш журналида қайд этилади. Фенокузатишлар бир ёки бир гуруҳ дараҳтлар устида ўтказилиши мумкин. Муайян географик ҳудудда дараҳт турининг фенологик фазаларини яққол кўриш учун уларни фенологик спектри қўринишида тасвирлаш мақсадга мувофиқдир. Фенологик кузатишлар ўрмон хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Фенологик кузатишлар, метеорологик маълумотлар билан тўлдирилади, бу эса йиллик ўзгаришларни тўғри изоҳлаш имконини беради.

Дараҳт ва буталарни экиш-асосий ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, унинг қанчалик тўғри ва бекаму-кўст бажарилиши кўкаламзорлаштириш муваффақиятини белгилайди. Дараҳтлар ва буталарни қисқа муддатларда экишда машина ва механизмлардан фойдаланиш кўзга кўринарли манзарани вужудга келтириш ва шаҳар қиёфасини янада кўркамлаштиришга ёрдам беради.

Экиш материалининг асосий турлари ва манбалари. Шаҳарни кўкаламзорлаштиришда кўлланиладиган экиш материалининг асосий манбаси – манзарали ўсимликлар кўчатхоналари, ботаника боғлари; иккиласми манбалари – шаҳар атрофидаги ўрмон ўсимликлари, истироҳат ва бошқа турдаги экинзорлар бўлиб, бу жойлардан экиш материали бир ҳил

даражтлар экилган жойлардан ва массивлардан уларни сийраклаштиришүли билан олинади; қурилиш ишларини ўтказишга мүлжаланган худудлардаги мавжуд табиий ва сунъий экинзорлар; ҳар хил турдаги күчатхоналар.

Манзарали ўсимликларни етиштирадиган күчатхоналар қуидаги экиш материалларини тайёрланади:

1. 3-5 ёшли буталарнинг стандарт күчатлари (гурухли экинлар ва яшил деворлар учун):
2. 6-10 ёшли күчатлар (алоҳида ёки белгиланган жойларга гурухлаб экиш учун);
3. 14 ёшгача бўлган дараҳтлар алоҳида, оммавий ва гурухли экинзорлар учун;
4. 5-11 ёшгача бўлган күчатлар (3-5 ёшли-тез ўсадиган экинлар, 6-11 ёшли – секин ўсадиган экинлар).
5. 12-16 ёшли дараҳтлар (12-14 ёшдаги – тез ўсувчи экинлар, 15-16 ёшдаги – секин ўсувчи экинлар). Бу күчатлар маҳсус агротехник талабларга риоя қилинган ҳолда илдизини тупроғи билан бирга ўраб, күчатхоналардан олинади, ҳиёбонларда қаторлаб ва алоҳида экиш учун қўлланилади;
6. 25 ёшгача бўлган, узоқ муддат ўстириладиган йирик дараҳтлар. Фақатгина илдиз атрофи турпоғи билан бирга, маҳсус агротехник талабларга биноан кўчириб экилади; кўчириб экиш ишларини йил давомида амалга ошириш мумкин; тез самара олиш учун, кўчаларни, истироҳат боғлари, ҳиёбонлар ва скверларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади;
7. Ҳар хил турдаги ва шаклдаги ноёб дараҳт ва буталар, манзарабоплиги бўйича юқори қимматга эга экзотик ўсимликлар фақатгина илдиз атрофи тупроғи билан бирга ҳамда агротехник талабаларга юксак даражада риоя қилинган ҳолда кўчириб экилади: маҳсус муҳим обьектларни кўкаламзорлаштиришда алоҳида ва гурухли экинларда қўлланилади.

Барг ташлайдиган дараҳт турларининг ниҳоллари күчатхоналардан илдизи очиқ ҳолда олинади ва майдонга баҳорги ва кузги мавсумда экилади; қайин дараҳт турлари, эман ва нинабарглилар – илдиз атрофидаги тупроғи билан бирга (ўралган ҳолда) олинади; бу дараҳтлар турларидан ўрмон

парклари, боғлар ва истироҳат боғларида оммавий экинзорлар барпо этиш учун ва чекланган тартибда – ҳиёбонларда экиш учун фойдаланилади;

Маҳаллий кўчатхоналар шароитида ўстирилган экиш материаллари табиий шароитларга чидамли бўлади. Жойларда кўчатхоналар бўлмаган тақдирда, уруғкўчатлар ва экиш материаллари бошқа жойлардан олиб келинади. Бунда кўчатлар келиб чиқишини инобатга олиш зарур. Экиш материалини ўта жанубий ва ўта намлиги юқори бўлган худудлардан олиб келиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда улар қишига чидамсиз ва ҳавонинг нисбий намлиги паст, қуруқ ҳавога тез мослаша олмайди.

Уруғкўчатлар деб уруғдан ўстириладиган ва бевосита кўкаламзорлаштириш майдонига ёки кўчат тайёрлаш учун кўчириб ўтказиладиган ўсимликларга айтилади. Кўчириб ўтказиладиган ва яна парваришлаб ўстириладиган материал кўчатлар деб аталади.

Кўкаламзорлаштириш ишларида фойдаланиладиган кўчатлар ободонлаштириш бошқармалари томонидан тасдиқланган дараҳт – бута ўсимликларининг экиш материалига қўйиладиган техник талабларга жавоб бериши керак.

Кўчатларни ташиш ва ишларни олиб бориш муддатлари. Дараҳт ва буталарни кўчатхоналардан кўкаламзорлаштириш худудларига кўчириб ўтказиш ниҳоятда мураккаб жараён ва ўсимликлар учун ноxуш ва қийин кечади. Уларни қазиб олиш, ташиш ва доимий жойига кўчириб экиш кейинги йиллар давомида уларнинг ўсиб - ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Дараҳт ва буталарни қазиб олишда уларнинг илдиз тизимиға шикаст етади, бунда энг фаол бўлган майда илдизчалар нобуд бўлади. Шу сабабдан, ўсимликларни қазиб олишда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш, уларни ташишда эса қуриб қолишидан, илдизларининг заарланишидан ҳамда ер устки қисмини шикастланишидан асраш зарур. Ўсимликларни илдиз қисмини очик ҳолда ташиш таъқиқланади.

Кўчатларни кўчатхоналардан кўкаламзорлаштириш жойига ташишда куйидаги қоидаларга риоя этиш зарур:

- 1) кўчатларни юклаш олдидан машина кузови тубига брезент, юмшоқ материаллар (сомон, қипик ва б.) тўшалади;
- 2) дараҳт ва буталарни алоҳида ёки гурухлаб юкланади;
- 3) дараҳт танасининг машина четларига қадалиб турган жойига юмшоқ матолар, сомон тўшамаси ва бошқалар қўйилади;
- 4) ўсимликлар юкланганидан кейин, уларнинг илдизлари брезент билан ўралади;
- 5) кўчат устидан ўтиш ёки унинг тепасидан юк солиниши қатъий ман қилинади.

Экиш жойига олиб келинган дараҳтлар, агар улар шу куннинг ўзида экиладиган бўлса, соя жойга олиниб, брезент билан ёпиб қўйилади. Экиш кечикириладиган бўлса, ўсимликлар ариққа кўмиб қўйилади. Ариқнинг бир томони 45° нишабликда қиялатиб қазилади. Ўсимликларни ариққа жойлаб, юмшоқ тупроқ билан илдиз бўйинидан юқорироққа ёпиб қўйилади. Тупроқ устидан бостирилади, агар ер қуруқ бўлса, унга сув қўйилади.

Ўзбекистонда олиб борилган кўкаламзорлаштиш ишлари тажрибаси шуни кўрсатадики, шаҳар шароитларида 6-10 ёшли йирик хажмли манзарабоп дараҳтларнинг кўчатлари камроқ шикастланади, тез ўсиб мослашади ва яхши кўкаради. Бизнинг шароитда дараҳт ва буталарнинг куз ва баҳорда, қиши юмшоқ келганида эса октябр ойидан то апрелгача кўчириб ўтказиш мумкин. Нинабаргли дараҳт экинлари, илдиз тупроғи билан бирга экилганида, эрта кузда (сентябр охири - ноябр) ёки эрта баҳорда (феврал - март) илдизларнинг кузги ва баҳорги ўсиш даврида кўчирилса, яхши ўсиб ривожланади. Япроқ баргли дараҳт ва буталарнинг эрта баҳор мавсумида (феврал - март) экиш кузги муддатда кўчириб экишга нисбатан яхши натижади. Кузда экилган илдиз отмаган баргли дараҳтлар кўчатлари кўп ҳолларда илиқ келган қишлоарда баҳорги ўсув даврига қадар қуриб қолиши кузатилади. Лекин, Ўзбекистонда баҳор эрта бошланиб, жадал кечади. Ўсимликлар тез ўсиб, куртаклар ёрилиб, барглар ўсади, бу эса ўсимликлар

тутиб кетишига салбий таъсир кўрсатади. Баҳорги экишда энг асосийси вақтни ўтказиб юбормаслик.

Баҳорги - ёзги мавсумда қўчатларни фақатгина зарур бўлган маҳалда, ва албатта тупроғи билан экишга рухсат этилади. Бунда шох-шаббаларнинг 70% кесилиши ва баргларнинг 50% олиб ташлаш керак бўлади.

Мунтазам суғориш ва шох-шаббаларига сув пуркаш (эрталаб ёки қуёш ботиши билан) ўсимликларнинг яхши тутибкетишини таъминлайди. Экиш муддатини сунъий равишда ўсишини тўхтатиб туриш йўли билан ҳам амалга ошириш мумкин. Бунинг учун кузда қазиб олинган ўсимликларни кўмилган ҳолда ертўлаларда ёки совутгичли камераларда +5 °C дан ошмаган ҳароратда сақланади. Ўзбекистон шароитида кузги экиш даврини чўзиш мумкин, агар қишки ойларнинг об-ҳаво шароитлари бунга имкон берса.

Катта майдонларда кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишда катта ёшдаги дараҳтларнинг кўплиги сабабли, экиш муддатлари чўзилиб кетади. Илдиз атрофи тупроғи билан ҳар қандай экин турини кўчириб экиш мумкин, аммо иқтисодий томонини ҳисобга олиб, фақатгина кўчиришда секин тутиб кетадиган, нозик экин турларини кўчириб экиш амалга оширилади. Бундай экин турларига: 6-10 ёшли дараҳтлардан: эман, жуқа, каштан, қайн, бундук, лола дараҳти, 4-8 ёш ва ундан катта бўлган барча нинабарглилар; буталардан – бускус, магония, бересклет киради.

Сўнги йилларда, кўкаламзорлаштириш ишларида экиш муддатларининг мавсумийлик даврига чек қўйишга, яъни “ўлик мавсум” ни бартараф этишга бир мунча шароитлар яратилмоқда. Бунинг учун хозирда ташкил қилинаётган, катта ёшдаги экиш материалини тайёрлайдиган қўчатхоналарни ривожлантириш, кўчириб экишда янги технологияларни қўллаш: бунда ўсимликларни маҳсус контейнерларда ўстириш. Контеинерларда ўстирилган ўсимликларни кўчириб экишда илдиз тизими шикастланмайди ва натижада йил давомида, узлуксиз равишида, кўкаламзорлаштириш обьектларига қўчат етказиб бериш имкони туғилади.

Дарахт ва буталарни экиш. Кўкаламзорлаштириш обьектларидағи янги кўчириб экилаётган дарахт – бута экинларининг юқори даражада тутиб кетиши агротехник талабларга қанчалик амал қилнишига ҳамда экинларни қазиб олиш билан экиш вақти оралигини қисқартиришга боғлик. Дарахт ва буталарни экиш усуллари, бунда керакли ускуналар ва асбобларни танлашда экиш материалининг хажми (ёши), ўсимлик тури ва экиш мақсадлари инобатга олинади.

Лойиҳада кўрсатилган дарахт ва буталарни экиш жойлари қозиқчалар билан белгилаб чиқилади, бунда экиладиган бурчакларига қозиқ қоқилади. Якка дарахтлар экиладиган жойлар эса экиладиган чуқур диаметрини белгилаш учун унинг марказига қоқилган қозиққа ип боғланиб, шу ип ёрдамида қозиқ атрофига айлана чизилади.

Тупроқсиз илдизли кўчатларни экиш учун ўралар айлана ёки квадрат шаклида қазилади. Қазиб бўлинганидан кейин, унинг тубини 0-12 см чуқурликда юмшатиб чиқиш лозим. Янги қазилган ўраларга кўчат экиш мумкин, яхшиси, ўраларни 5-7 кун олдин қазиб олиб, кейин экиш тавсия этилади. Бу ўтган вақт давомида тупроқнинг пастки қатламлари кислород билан тўйинади. Экиш ўраларининг хажми, чуқурларнинг катталиги дарахт ва буталарнинг ўлчамларига боғлик.

50-100 см диаметрдаги цилиндирсизон чуқурларни қазиш учун маҳсус мосламадан фойдаланилади. Эксекватор ёрдамида тўғри бурчакли ўралар қазилади, ўра деворлари эгилган бўлиб, эни 0,7 м бўлади. Ўра марказига 15-20 см чуқурликда маҳсус қозиқ қоқилади, у экилган кўчатни маҳкам ушлаб туриш учун ўрнатилади. Бу қозиқ баландлиги 2 м, юқори қисмининг диаметри 3 см. Экиш олдидан, ўранинг тўртдан бир қисмига унумдор тупроқ ташланади, ва унга оёқ билан озгина бостирилади. Тупроқда катта бўлаклар бўлмаслиги керак.

Қуёшли кунларда ўсимликларни кўчиришда, уларнинг илдизларини 15 дақиқадан ортиқ очик ҳолда қолдирмаслик керак. Ўрага жойлаш олдидан кўчатлар кўздан кечирилади, заарланган шохлари ва илдизлари кесиб

ташланади. Илдизни, олдиндан тайёрлаб қўйилган тупроқ, торф ва лойнинг сув эритмасига ботириб олинади.

Бундай қоришмага илдизларни ботириб олинса, илдиз тизими яхши ривожланади ҳамда илдизлар ва тупроқнинг бир-бирига тез мослашувини таъминлайди. Гетероауксин моддасининг 0,001% эритмасини қўшиши ёки илдизларини сувда бир сутка давомида ивitiш янги илдизларнинг ўсишини жадаллаштиради ва ўсимликлар тутиб кетишини тезлаштиради.

Кўчатни чуқурга жойлашда, илдиз бўйни ер сатҳидан 2-3 см баланд қилиб тупроқ тўлдирилади, тупроқ юзаси билан бир сатҳда жойлашади. Кўчат илдизларини чуқурга олдин солинган юмшоқ тупроқ устига қўйиб, илдизчалари синчиклаб тўғрилаб чиқилади, бунда қайриб ёки буралиб қолган илдизлар бўлишига йўл қўйилмайди. Сўнгра, аста-секинлик билан, илдизни атрофига тупроқ ташланади, ўранинг маркази қисмидан ёнига, диаметр бўйлаб, тупроқ маҳкамланиб борилади. Тупроқ билан илдизлар яхши жипсласиши учун кўчат силкитиб қўйилади. Шундан сўнг, тупроқни чуқур юзасигача солинади ва оёқлар билан зичланади (чуқур четидан марказ томонга). Кўчатни ип билан қозикқа боғлаб қўйилади. Кўчат атрофида сугориш учун ўйиқча қолдирилади, ва яхшилаб сугорилади. Бундай тезкор сугориш ўсимликни сув билан таъминлаш, айниқса, нам тупроқ ўтиришиб, илдизлар билан жипсласиб кетиши учун зарурдир.

Яшил деворларни барпо этиш учун хандаклар ариқ ёрувчи ускуналар ва маҳсус экскаваторлар ёрдамида тайёрланади. Хандакларни қазишдан олинган унумдор тупроқ алоҳида тўпланиб, кўчатларни экиш вақтида илдизларни қўмишда ишлатилади. 1 га майдонга кўчатларни экиш ўртacha меъёри: дарахtlар – 200-400 та; буталар – 1500-2000 дона; яшил деворлар 1 км жойга – 10000 донани ташкил этади.

Шуни назарда тушиш керак-ки, дарахtlар, ҳатто тез ўсадиганлари ҳам, манзарабоп хусусиятларини экилганидан кейин, камида 5-6 йилда, секин ўсувлари эса факат 10-12 йилдан сўнг намоён этади. Гуллайдиган манзарали буталар манзарабоплик хусусиятига экилганидан сўнг иққинчи ва

ҳатто, биринчи йилда ҳам эришиши мумкин. Шунинг учун И.Т.Ремискевич (1955) ҳиёбон ва истироҳат боғларни барпо этишнинг биринчи йилларида асосан буталар ва тез ўсадиган дaraohтларни, кейинги йиллардагина секин ўсадиган дaraohтларни экишни тавсия этади.

Экилган дaraohт ва буталарни парваришлаш. Экинзорлар барпо этиш билан кўкаламзорлаштириш ишлари тугамайди. Ўсимликлар яхши ўсиб-ривожланиши ва юқори манзарабоп хусусиятларга эга бўлиши учун уларни кундалик, узоқ муддат яхши парваришлаш керак бўлади. Дaraohт ва буталарни парваришлаш – тадбирлар тизими бўлса, улар ўсимликлар экилганидан кейин тутиб кетиши ҳамда биологик жихатдан чидамли ва эстетик жихатдан манзарабоп экинзорларни яратишга қаратилган.

Экинларнинг ўсиши экинзорлар ҳолати, ҳаётий давомийлиги ва манзарабоплик хусусиятларига нокулай шароитлар катта таъсир кўрсатади. Автомобиллар тарқатган заарали газлар ва чанг, саноат ишлаб чиқаришидан ажралиб чиқсан заҳарли чиқиндилар, ёруғликнинг етишмаслиги, айниқса бинолар билан тўсилганида, инсолияция ва иссиқнинг ошиши, ҳаво нисбий намлигининг пастлиги, кўчалар ва майдончалардаги тупроқнинг зичланиб қолиши – буларнинг ҳаммаси илдиз ўсишини чеклайди, ўсиш жараёнларини сусайтиради, ўсимликлар манзарабоплигини камайтиради, ҳаётий давомийлигини қисқартиради.

Дaraohт ва буталарни парваришлашда агротехник тадбирларни ўтказиш жараёнида бир қанча талабларга риоя этиш зарур. Бунда, бир – томондан, ўсимликларнинг келиб чиқиши, уларнинг биоэкологик хусусиятларини, физиологик ҳолатини инобатга олиш зарур бўлса, иккинчи томондан – атроф муҳитнинг нокулай шароитларини ҳам ҳисобга олиш керак. Дaraohт ва буталарни парваришлаш ишлари улар экилганидан сўнг, кўкаламзорлаштириш объектидан фойдаланиш жараёнида, яъни, ўсимликлар ҳаётининг бутун даври давомида олиб борилади.

Дaraohт ва буталарни экилганидан сўнг парваришлаш. Дaraohт ва буталарни экилганидан сўнг парвариш қилиш ўсимликларнинг яхши тутиб

олиши ва ўсиб–ривожланишини таъминлашга қаратилган. Экилганидан кейинги бир неча йил ўсимликлар учун “жонланиш” даври бўлиб ҳисобланади, чунки улар бошқа шароитларга тушган ва илдизлари бироз шикастлангандир.

Ўсимликларнинг тутиб олиши ва тўлиқ ўзини тиклаб олиш вақти уларнинг биологик хусусиятларига, холати ва кўчатлар ёшига боғлиқ. Энг тез (2-3 йилда) буталар ўзини тутиб ўсиб кетади. 6-11 ёшли дaraohт – кўчатларининг тўлиқ тутиб кетиш даври 3-4 йилга чўзилади. Йирик дaraohт ва буталар учун бу вақт 5-6 йилгача кузатилади.

Экилгандан сўнгги парвариш ишларини олиб боришда тупроқ–иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, мунтазам парвариш ишларини бутун мавсум давомида ўтказишга эътибор қаратилади. Бунда суфориш, дaraohт танаси атрофидаги тупроқни юмшатиш ва мулчалаш, озиқлантириш ишлари олиб борилади. Илдизларнинг ривожланишига, ўсув даврида стимуляторларни кўллаш (гетероауксин, бетаиндалуксус кислота) яхши самара беради. Бу стимуляторларни тупроққа эритма ҳолатида солинади (битта таблетка, 100 мг таъсир этувчи модда, 10 литр сувга) ва бир вақтнинг ўзида суфорилади.

Тадқиқотлар ва тажрибалар асосида стимуляторларни қўллашнинг куйидаги меъёрлари тавсия этилади: битта ўсимликка литр ҳисобида:

Ўстириш стимуляторларини баҳорда, илдиз тизими қайта тикланиш пайтида қўллаш тавсия этилади. Стимуляторлар эритмасини бевосита суфоришдан сўнг, дaraohт атрофидаги суфориш эгати бўйлаб солинади, бунда ўсимликнинг илдиз тизими жойлашган тупроқ бутунлигича намланиб, тўйинишини назарда тутиш лозим.

Илдиз атрофи тупроғи билан экилган ўсимликлар учун стимуляторлар эритмасини илдизлар кесилган жойини мўлжаллаб, тупроқ айланаси бўйлаб солинади. Кейинги ишлов бериш 5-6 кундан кейингина ўтказилади. Нимжон ўсимликлар, айниқса, стимуляторлар қўлланишига муҳтождир. Тупроқни юмшатиш ва мунтазам суфориш, бегона ўтларни йўқотиш, минерал ва

органик ўғитларни солиши, зааркунанда ва касалликларга қарши курашиш, дарахт танасини тозалаш, шох-шаббасини қирқиш йўли билан унинг ўсишини бошқариш – дарахт ва буталарни парваришлишдаги асосий тадбирлар бўлиб ҳисобланади.

Тупроқ юмшатиш ва суғориш ишлари мунтазам равишида (мавсумда 12-15 марта) олиб борилади. Суғориш 1 метрлик тупроқ қатлами ning тўла намланишигача амалга оширилади. Суғориш меъёри $100 \text{ м}^3/\text{га}$ ҳар 15-25 кунда. Экиш олдидан тупроққа органик ва минерал ўғитлар солинмаган бўлса, ўсув даврида озиқлантириш керак бўлади.

Илдиз тизими ҳажми катта бўлиб, тупроқнинг 1,5 метргача чуқурликда жойлашган дарахт ва буталарни эгатлар бўйича тўйинтириб суғориш, ёки тешикчали ер ости орқали суғориш тавсия этилади.

Тупроқнинг намлиги етарли бўлганида, илдиз тизими чуқурликка ва энига ўсиб, ривожланади. Агар намлик чуқурликка етарли бориб етмаса, (ёмғирлатиб ёки дарахт атрофи суғорилганида) кўпгина дарахтлар учун хос бўлмаган юза илдиз тизими вужудга келади. Бундай илдизли дарахтлар шамолларга чидамсиз, узок яшамайдиган ва тана зааркунадалари хужумига бардош бера олмайдиган бўлиб қолади.

Агар жойларда дарахт ва буталарни філтрловчи суғориш шароитлари яратилмаган бўлса, бу ҳолда самарали бўлган гидробур ёрдамида суғориш усули қўлланилади. Гидробур суғориш-ювиш машинасининг насоси босими остида ишлайди. Гидробур қисқа вақт (5-10 дақиқада) дарахтларнинг илдиз тизими жойлашган қатламини намлаташга имкон яратади. Бундай суғоришлар самарасини минерал ўғитлар эритмасини ҳам қўшиш билан ошириш мумкин.

Дарахтлар атрофини кетмонлар ёрдамида юмшатиш ҳам алоҳида ахамиятга эга. Бу агротехник тадбир мунтазам равишида олиб борилади, натижада, бегона ўтлар йўқотилиб, илдиз тизимининг нафас олиши яхшиланади. Бир мавсумда 6-7 марта 4-5 см чуқурликда чопик ўтказиб, илдизларга шикаст етказмасдан амалга оширилади.

Ёз мавсумида ёш дарахт кўчатлари шох-шаббаларини ва буталарнинг ер устки қисмини ёмғирлатиш фойдалидир. Экилганидан кейинги иккинчи йилида ёмғирлатиш ишлари минерал ўғитларнинг эритмасини қўшиб барглардан озиқлантирилади. Бунинг учун 0,1 % мочевина эритмаси (1 г мочевина тузи 1 л сувда эритилади), 0,2 % аммакли селитра эритмаси, 0,5-1,0 % суперфосфат, 0,5 % калийли хлор эритмаларидан фойдаланиш мумкин.

Азотли ва калийли ўғитларнинг ишчи эритмаларини совук сувда, сепиладиган куннинг ўзида тайёрланади, суперфосфат эритмаси эса бир кун олдин тайёрлаб қўйилади.

Ёз мавсумида ёш ниҳоллар устидан мунтазам кузатишлар олиб борилади: дарахтларнинг қозикчаларга маҳкамланганлиги текширилиб, қийшайиб қолгани, тортиб боғланади. Қозиклар қийшайган бўлса, тўғрилаб чиқилади, синганлари ўрнига бошқаси қоқилади. Ўсимликлар тўлиқ тутиб кетганидан сўнг (экилганидан 3 йил кейин), қозиклар олиб ташланади.

Кузда дарахтлар танаси атрофидаги тупроқ юмшатилади (5-7 см чуқурликда). Ўсимликларни иситиш мақсадида, бу жойга нинабарглилар қириндиси, гўнг ёки чиринди 3-14 см қалиникда солинади. Биринчи йилда илдиз тизимини иситиш зарур тадбир бўлиб ҳисобланади.

Баҳорги илиқ кунлар бошланганида гўнг ва чиринди солинади ва тупроқ билан бирга ағдариб чиқилади. Ёш дарахтлар ва буталарни қишки қорлардан ҳимоялаш мақсадида декабр ойи бошларида уларнинг шох-шаббалари (айниқса можжевелник ва биота) ип билан боғлаб чиқилади, баҳорда боғичлар олиб ташланади.

Кўкаламзорлаштириш объектидан фойдаланиш жараёнида ўтказиладиган тадбирлар. Кўкаламзорлаштирилган худудларда дарахт ва буталарни яхши ҳолатда сақлаш ва уларнинг манзарабоплик хусусиятларини юқори даражага етказиш учун ўсимликлар ер устки қисмини парваришлашга доир бир талай тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

Парваришлаш ишларининг асосийларидан бири – ўсимликлар шох-шаббасига манзарабоплик сифатини ошириш учун айрим шохлари ва

новдалари қисман кесиб чиқилади. Кесиш ишлари ўсимликларни биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда бажарилади. Дараҳтлар кесилган бўлса, унинг умумий ўсиши ва ривожланиши яхшиланади. Бунда шоҳшаббага керакли шакл берилади, қуриган, касалланган ва хаддан ташқари қалинлашиб кетган шоҳлари олиб ташланади. Кесиш натижасида дараҳт шоҳ-шаббалари ва илдизлари умумий ҳажмининг ўзаро нисбати ўзгаради, сўрувчи илдизлари кўпаяди, натижада ўсимликнинг сув ва минерал моддалар билан таъмиланиш даражаси яхшиланади.

Дараҳтнинг ёш, жадал ўсиш даврида, шоҳ-шаббаларнинг парвариши “тезкор” бўлиши лозим. Ўсимликларнинг етуклиқ даврида эса унинг қуриган шоҳларини олиб ташлаш ишлари амалга оширилади.

Дараҳтларни кесиш ишларини малакали ва тажрибали боғ ишчилари бажаради. Шоҳ-шаббаларни парвариш қилиш учун дараҳтларни кесишнинг учта хилидан фойдаланилади: шакл бериш, санитар ва ёшартирувчи.

Шакл бериш учун кесишнинг мақсади – асосий шоҳларни тўғри тақсимланишини таъминлаш; дараҳтга чиройли, хушманзара қиёфа бериш, умумий баландлигини тўғрилаш, табиий ва сунъий шоҳ-шаббасини саклаб қолищдан иборат.

Дараҳтни кесиша уларнинг табиий шоҳ-шаббаси шакли инобатга олинади: цилиндриксимон, пирамидасимон овалсимон, мажнунтолсимон ва бошқалар. Ҳар бир дараҳт ўзига хос баландлик ва шаклга эга, уни кесиб ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Шакл бериш учун новдаларни чилтиш ва қисқартириш, шоҳшаббасини камайтиришдан иборат бўлади. Бу ишни амалга ошириш кўчатзорларда бошланади.

Ўзбекистонда новдаларнинг йиллик ўсиши жадал кечади, шу сабабдан, барча япроқбаргли дараҳтлар (каштандан ташқари), ҳар йили шакл бериш учун кесишни талаб қиласи. Бу тадбирни қиши мавсумида, дараҳтларнинг қишики тиним даврида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шоҳ-шабба орасидаги бачки новдалар мунтазам равишда ва керак бўлган вақтда кесиб ташланади.

